

ҲУҚУҚНИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛИ СИФАТИДА ТАН ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сафохонов Шохрух Ҳалилуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши
хузуридаги Судьялар Олий мактабининг тингловчиси

Исмоилов Элёржон Анорбоевич

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон
туманлараро судининг раиси

Ҳуқуқнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида тан олишни тадқиқ этишда "ҳуқуқий табиат" тушунчасининг таърифига тўхталиб ўтамиз. «Ҳуқуқий табиат» ибораси ҳуқуқий ҳодисанинг чуқур, муҳим хусусиятлари, аниқроғи, унинг ҳуқуқий илдизлари ҳақида сўз юритишга имкон беради. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кўриб чиқиладиган усулининг ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш унинг таркибий хусусиятларини аниқлаштириш, унга тўлиқ ҳуқуқий тавсиф бериш, ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа усулларида фарқлаш имконини беради.

Ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида эътироф этиш икки жиҳатдан кўриб чиқилиши мумкин: *низолари ҳуқуқий муносабат иштирокчисига мурожаат қилинган ҳуқуқни(моддий маънода) тан олиш талаби* ва *ҳуқуқни тан олиш талабининг амалга ошириш шакли сифатида даъво* судга (процессуал маънода). Ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъвони тақдим этишдан олдин ваколатли шахсда низолари ҳуқуқий муносабат иштирокчисига нисбатан унинг мавжудлиги тўғрисидаги масалани ойдинлаштириш учун моддий ҳуқуқий талаб пайдо бўлади¹. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули сифатида тан олиш даъво ишини юритиш тартибида амалга оширилганлиги сабабли, кўрсатилган талаб ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъвонинг мазмунига айланади. Шундай қилиб, "ҳуқуқни тан олиш талаби" ва "ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъво" тушунчалари моддий жиҳат (маъно) бўйича эквивалент деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳар бир усули маълум бир шаклда амалга оширилади. Назарий жиҳатдан "шакл" ва "усул" бир-биридан фарқлаш зарур. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шакли деганда субъектив фуқаролик

¹ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. 2020 й. 2706

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро келишилган ташкилий чора-тадбирлар мажмуи тушунилади². “Усул (арабча– асосий қоидалар, қонунлар, қабул қилинган тартиб) – бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли, ҳаракат тарзи, хили, тартиби, ҳаракат қилиш усули, бирор нарсани қилиш усули”³. **Шакл** (арабча кўриниш, расм, тарз, усул) – нарсанинг ташқи кўриниши, сиртки қиёфаси, ифодаси, маълум кўриниш. Кўриб чиқиладиган тушунчалар маъно жиҳатидан яқин, аммо бир-бирига мос келмайди. Битта шакл (судга даъво қўзғатиш) доирасида манфаатдор шахс ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг турли усулларида фойдаланиши мумкин. Масалан, кредитор қарздор томонидан шартнома мажбуриятини бажармаган тақдирда, бир вақтнинг ўзида бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш тўғрисидаги талабни (амалдаги Фуқаролик кодекси 11-моддаси) зарарни қоплаш ҳақидаги талаб (амалдаги Фуқаролик кодекси 14-моддаси) билан биргаликда судга (юрисдикция шакли) киритиши мумкин. Мазкур ҳолда битта шакл орқали ҳуқуқи бузилган шахс фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг иккита усулидан фойдаланмоқда. Таниқли цивилист А.А.Добровольский фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалга оширишнинг **даъво** (юрисдикциявий) ва **даъвосиз** шаклларида ишора қилди⁴.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қуйидаги шакллар орқали амалга оширилади:

- 1) фақат суд томонидан, айрим ҳолатларда эса бошқа ваколатли давлат органлари томонидан қўлланадиган усуллар, бу эса муайян усул воситасида ҳимоя қилиш тўғрисида уларга илтимоснома билан мурожаат қилиш заруратини назарда тутди (ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилгунига қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш, ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни тўхтатиш ва х.);
- 2) ҳуқуқий муносабат иштирокчиси томонидан мустақил равишда қўлланадиган усуллар (ўз-ўзини ҳимоялаш, қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама воз кечиш йўли билан ҳуқуқий муносабатларни бекор қилиш ва б.);

² Бутнев В.В. Механизм защиты субъективных прав // LEX RUSSICA. 2014. №3. С. 274- 283.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 303-Б Ziyouz.com кутубхонаси

⁴ Добровольский А.А. Исковая форма защиты права. Изд-во. ЛГУ, 1965. С. 10.

3) ҳам суд органларининг ёрдами билан, ҳам мустақил тартибда қўлланадиган усуллар (зарарни қоплаш, неустойка ундириш ва б.).

Ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули сифатида тан олиш ҳуқуқий табиатга кўра фақат юрисдиксия шаклида (суд процесси) амалга оширилади деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шаклини танлаш тўғрисидаги тўхтам ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган усулнинг ҳуқуқий моҳиятини ойдинлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули сифатида тан олишнинг асосий хусусияти шундаки, бу усул фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасида унинг мавжудлиги юзасидан келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқни тан олиш тўғрисида даъво қўзғатиш низолашаётган томонлар ўртасидаги юзага келган фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низо билан боғлиқ. Шубҳасиз, низони ҳал қилиш учун бундай низони ҳал қилишга қодир мустақил ваколатли орган керак. Шу ўринда, рус цивилисти Т.М.Яблочковнинг фикрига мурожаат қилиш адолатли кўринади, унинг фикрича суднинг вазифаси ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилишдир.⁵ Фикримизча, ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида тан олиш талаби уни фақат суд (даъво) тартибида кўриб чиқишни талаб қилади. Шу муносабат билан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида ҳуқуқни тан олишнинг яна бир ўзига хос хусусиятини қайд этиш жоиз. Кўриб чиқиладиган ҳимоя усули, агар ҳуқуқни тан олиш талаби тўғрисидаги ҳал қилув қарори мажбурий, яқуний, қонуний кучга киришга қодир бўлса, амалий аҳамиятга эга бўлади. Фақат шу шарт билан тан олиш талаби доирасида тасдиқланган ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўзларининг ҳуқуқий позицияларига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Бундан ташқари, субъектив фуқаролик ҳуқуқи бўйича низони кўриб чиқиш суддан ҳолатларни чуқур ўрганишни, қонунни тўғри қўллашни ва уни тўғри ҳал этишнинг ишончли кафолатларини талаб қилади. Шундай қилиб, фуқаролик ҳуқуқларини тан олиш йўли билан ҳимоя қилиш учун анъанавий равишда қўлланиладиган юрисдиксия шакли (суд процесси) энг мақбул шаклдир.

5 См.: Яблочков Т. М. Учебник русского гражданского судопроизводства. Ярославль, 1912. С. 2, 4.